Ушбу сонда:

2 КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

3 1 ИЮН – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

4 *Фельетон ўрнида* ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРГАН «ИШБИЛАРМОН»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 июн, жума №84 (1098)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



Шаҳрисабз шаҳридаги «Кумуш» акциядорлик жамияти ўтган йили хорижий давлатларга 140 минг АҚШ доллари миқдорида ипак толасини экспорт қилди. Унинг шериқдоши — Англиянинг «Картхилл инвестмент» компанияси эса 2001-2003 йиллар мобайнида корхонага 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини олди...

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

«КУМУШ»НИНГ УФҚИ ЧАРОҒОН

Бундай маълумотлар ўн йил муқаддам, собиқ тузум даврида эшитган қулоққа ғалати чалиниши турган гап эди, албатта. Лекин замон, истиқлол нафаси бизни жаҳонга, жаҳонни эса бизга тобора яқин қилиши туфайли шундай ажойиб ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаётирмиз.

...Шаҳрисабз шаҳридаги пиллакашлик фабрикаси иқтисодий жиҳатдан ўтириб қолган корхоналардан бири эди. Шу боис республика давлат Мулк қўмитасининг буйруғига асосан 1994 йилнинг сентябр ойида у давлат тасарруфидан чиқарилиб, «Кумуш» акциядорлик жамияти ташкил қилинди. 42426 дона акцияларнинг 25 фоизи давлат ихтиёрида қолди, 26 фоизи меҳнат жамоаси орасида тарқатилди. Эркин савдога 5940 дона, яъни 14 фоиз акция чиқарилди. 35 фоиз акциялар эса хорижий инвесторлар учун ажратилди.

— Ана шу 35 фоиз ёки 14850 дона акцияга эгалик қилиш учун Сингапурнинг «Бедил Трейдинг» ҳамда Англиянинг «Картхилл инвестмент» компаниялари ўртасида катта рақобат кураши бошланди, — дейди ўша кунларни эслаб қўшма корхона раҳбари Ҳикматилло Қодиров, — пировардида сингапурликлар «ўйиндан чиқдилар». 35 фоиз акцияни Англиянинг «Картхилл инвестмент» компанияси 565 минг АҚШ долларига сотиб олди. Мазкур валюта оқими корхонанинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олишида муҳим аҳамият касб этди.

Лекин асосини собиқ тузумнинг марказлаштирилган режалаштириш усули ташкил этган пойдеворни қулатиш бирданига осон кечмади. Корхона 1998 йилни 351 миллион сўм зарар билан якунлагач, акциядорлар бир вақтлар шу ерда ишлаб кетган ёш, иқтидорли мутахассис Ҳикматилло Қодировни ўзларига раис қилиб сайладилар. Бу 1999 йил 10 феврал куни юз берди. Янги раҳбар ишга ғайрат билан киришди. У ишни ўзининг ҳамфикрлари билан бирга бутунлай янгичасига бошлади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 март кунги «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини барқарорлаштириш тўғрисида»ги қарори асосида корхонанинг аниқ бизнес режасини ишлаб чиқди ва ишни шу асосда ташкил қилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг республика уюшмаси томонидан марказлашган ҳолда сотила бошланиши корхонага катта имкониятлар эшигини очиб берди. Барча технологик асбоб-ускуна ва жиҳозлар қайта таъмирланди. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кетадиган ортиқча харажатлар камайтирилди. Ишчиларни рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақи сезиларли даражада оширилди. Меҳнаткаш ўз меҳнатининг самарасини кўра бошлади. Мазкур ишларнинг натижаси ўлароқ акциядорлик корхонаси 1999 йилни 104 миллион, 2000 йилни эса 78 миллион сўм фойда билан якунлади. Корхонанинг шериқдоши — «Картхилл инвестмент» компанияси ваъда қилган 3 миллион доллар инвестиция ҳисобига эса у бира тўла мустаҳкам оёққа туриб кетишига шубҳа йўқ.

Рақамлар кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилади. 1998 йилда корхона атиги 40 фоиз қувват билан ишлар эди. Орадан икки йил ўтгач, қуввати 2 баробарга ортди. Айни кунларда 95 фоиз қувват билан ишлаётир. Шу йилнинг январ-май ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 151,3 фоизга адо этилди. Ўсиш суръати 177,8 фоизни ташкил қилди. Корхонада йилига Қашқадарё ва Сурхондарёда етиштирилган 1000 тонна атрофидаги қуруқ пилла қайта ишланади.

— Меҳнат самарадорлигининг кескин равишда ошишида негизини асосан хотин-қизлар ташкил қилган жамоа аъзолари учун етарли даражада қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги катта аҳамият касб этаётир, — дейди биз билан суҳбатда корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Акбар Назаров.

Корхонада 1635 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилади. Уларни шаҳар атрофидан ишга олиб келиш ва кейин уйларига олиб бориб қўйиш учун 7 та махсус автобус ажратилган. Тиббиёт пункти, физиотерапия маркази доимий равишда ишлаб турибди. 2 та ошхонада ишчиларга кунига 3 маҳал текин овқат берилади. Баъзи гурухдаги ишчилар учун сут-қатиқ тақсимланади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 16 минг сўмни ташкил этмоқда. Жамият аъзоларининг бир қисми йил сайин республикамизнинг энг яхши санаторий ва дам олиш уйларида ўз саломатликларини тиклаб қайтаётирлар.

— «Кумуш» энди мустаҳкам равишда оёққа туриб олди, — дейди бизга ўз фикрини билдириб корхона бош муҳандиси Хосият Амирова, — унинг истиқболи порлоқ, уфқлари равшан эканлиги кўзга ташланиб турибди. Бунда, албатта, чет эллик ҳамкорларимизнинг хизматлари катта бўлмоқда. Яхши маънодаги, икки томон учун тенг фойдали шериклик ҳам мустақиллигимизнинг шарофатидандир. Ўз эркимиз ўзимизда бўлмаганида, бундай жонли фаолият қаёқда эди дейсиз!

Бош муҳандис тўғри гапни айтди: «Кумуш»нинг уфқи чароғон. Буни корхона меҳнат аҳлининг шонли 10 йиллик арафасидаги ғайрат-шижоати, умумий ишга фидойилиги, ташаббусга чанқоқлиги яққол намойиш этиб турибди.

Қодиржон СОБИРОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Пойтахтимизнинг Шайҳонтоҳур туманидаги «Жар-ариқ» турар жой даҳасига янги кўчиб келганлар 5 июн - Жаҳон экология куни арафасида қиймати 2,5 миллион сўмлик совғага эга бўлди. Совғани Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тақдим этди. Қўмита ушбу маблағларни ўз жамғармалари ҳисобидан ажратиб, чуқурлиги 150 метрлик артезиан қудуғини қазиш учун сарфлади. Бундан сал олдинроқ ушбу жамғармалардан даҳани кўкаламзорлаштириш учун 900 минг сўм ажратилган эди.

Бу ерда ҳамма манзарали ва мевали кўчатлар ўтқазишга киришди. Бу ерга сув келтирилиши билан даҳани янада ободонлаштириш имконияти пайдо бўлди. Ибн Сино боғи фаолият кўрсата бошлади, яқинда эса боғнинг йўловчилар юрадиган йўлакчаларида сув ичиладиган фавворачалар ишга тушади. Бу ишларда айниқса «Белтепа» маҳалла қўмитаси жонбозлик кўрсатмоқда. Ушбу фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳардан узоқда жойлашган мазкур турар-жой даҳаси бугун шаҳар маркази билан трамвай йўли орқали боғланган. Йўловчи автотранспорти, савдо тармоқлари фаолияти тўғри ташкил этилган.

(ЎзА).

Маълумки, сув танқислиги туфайли мамлакатимизнинг Орол бўйи ҳудудида жорий йилда қишлоқ хўжалиги, хусусан бошоқли дон экинлари етиштиришда катта қийинчилик юзага келди. Катта-катта майдонлардаги экинлар сувсизликдан қуриб қолди. Шунингдек, бу ҳол пахтачиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Қорақалпоқ эли бошига тушган бу қийинчиликни юракдан ҳис этган жиззахликлар мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида жойлашган Қорақалпоқ элига умумий қиймати 10 миллион сўмликдан ортиқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Асосан озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат ёрдам ортилган автомашиналар карвони 28 май куни Жиззахдан Нукус сари йўл олди.

(ЎзА).

БОЛАЛИГИМ - ПОШШОЛИГИМ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳамда «Оналар ва болалар йили» муносабати билан барча гўшаларда хайрия тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Уларни ташкил этишда Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташаббуси ва ҳомийлиги эътиборга молик.

Хусусан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси тадбирлари доирасида Хоразм вилоятида ўтказилган «Эгизаклар байрами» кўрик-танлови шулар жумласидандир. Танлов ғолиблари вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси, «Экосан», «Болалар», «Соғлом авлод» жамғармаларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Шунингдек, вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Хивадаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига болалар спорт кийимлари ва оромгоҳларга спорт жиҳозлари олиб берилди.

Шу куни вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган мактаб, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича эълон қилинган кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди. Биринчи ўринни эгаллаган учта таълим муассасасига вилоят касаба уюшма қўмитаси телевизор ҳадя қилди.

Сурхондарё вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳам кичкинтойлар учун «Болажон» хиёбонида катта байрам дастури ташкил этди. Дастурдан ўрин олган гуллар ва қушлар байрамида барча мактаб ва болалар боғчаларининг ўғил-қизлари ўзлари парваришлаётган ноёб гуллар ҳамда қушчалар кўригини намойиш этдилар.

Термиз шаҳар ҳокимлиги эса минг нафар болакайга маданият ва истироҳат боғи аттракционлари учун бепул чипталар тарқатди. Шунингдек, барча туманларда 17600 нафар болакайлар ҳам ана шундай саховатдан бахраманд бўлдилар.

Бундан ташқари, зукко болажонлар ўртасида «Соғломжон — полвонжон» мусобақаси, «Мен боғимни севаман», «Мен оламни чизаман», «Табиатни асранг, одамлар», топишмоқлар, шеър ва эртаклар кўрик-танловлари ўтказилди.

(Давоми 3-бетда).

«Ишонч»га жавоб берадилар

ОЙЛИК МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИК КАМАЙМОҚДА

Газетамизнинг шу йил 4 апрел сонида босилган «Ойлик маош кечикмоқда: бундай ҳолат юзага келишига кимлар сабабчи?» сарлавҳали мақолада «Бухоросувқурилиш» трестига қарашли Қоровулбозор туманидаги кўчма механизациялашган жамланма бўлимлари ишчи-хизматчилари бир неча ойдан бери иш ҳақларини ололмаётгани, маблағ етишмаяпти баҳонасида уларни соғломлаштириш, мазмунли дам олдириш масалалари эътибордан четда қолаётгани ва бошқа камчиликларга тегишли баҳо берилганди.

Мақола юзасидан таҳририятга йўлланган жавобда жумладан, шундай дейилади:

— Газета чиқишида таъкидланган далиллар жамоаларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилинди ва ишни яхшилашга қаратилган тегишли тадбирлар белгиланди. Уларни амалга ошириш натижасида аҳвол бирмунча ўнглаб олинишига эришилди. Хусусан, ҳозирги кунда 61,9 миллион дебитор қарзлар ундирилди. Ишчи-хизматчиларга эса 12,3 миллион сўмлик ойлик маошлар берилди. Ҳақиқатан ҳам мақолада айтилганидек, ишловчиларга иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситасидир.

Шунингдек, бугунги кунгача банк кредитлари, солиқ ва нафақа тўловлари ҳамда иш ҳақидан қарздорлик 13,5 фоиз ёки 53,2 миллион сўмга камайди. Шу билан бирга, дебитор қарзларни камайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар белгиланди:

— Корхоналарнинг мажбурий тўловлар бўйича қарзларини қонунда белгиланган йўллар билан камайтириб, улар ҳисоб рақамларида пул маблағларининг мустақил ҳаракати йўлга қўйилди;

— туманларда қурилаётган коллежлар бўйича бажарилган иш ҳажми учун вилоят капитал қурилиш бошқармаси томонидан доимий равишда маблағ билан таъминланишига эришилди;

— корхоналар мансабдор шахсларининг тўлов интизомига қатъий риоя қилишлари назорат остига олинди.

Булардан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилган дебитор қарзларни ўз вақтида ундириш ва иш ҳақидан қарздорликдан тезроқ қутулиш мақсадида трест маъмурияти қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, унинг беками-кўст бажарилишини доимий назоратга олди.

Ф.УМАРОВ,
Бухоро вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Ўтиб бораётган ҳар бир кун бизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллик тўйига тобора яқинлаштирмоқда. Қутлуғ санага барча ерда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Янги, замонавий корхоналар, маданий-маиший муассасалар, савдо шаҳобчалари фойдаланишга топширилмоқда.

Суратларда: Тошкент шаҳар Ҳамза туманида қад ростлаган хусусий дўкон сотувчиси Маҳбуба Эрметова; Сариосиё тумани марказига чирой бағишлаган савдо мажмуи.

Х.МИРЗАКАРИМОВ,
Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.



Айтайлик, туппа-тузук ишлаб турган ишчи ёки хизматчи бирданига тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида у кимга суянади? Албатта ўзи ишлаган корхона ва касаба уюшма қўмитасига.

КАСАБА УЮШМА ЁРДАМГА КЕЛДИ

Урганч шаҳридаги «Жанубгазқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамиятида самарали меҳнат қилиб келаётган Эркин Абдураимовнинг ҳаётида ҳам шундай ҳолат юз берди. У шу йилнинг феврал ойида шифохонада даволанишига тўғри келди. Шунда унга ўзи ишлаётган ташкилот ва касаба уюшма қўмитаси ёрдамга келди. Унинг даволаниши ва дори-дармонлари учун жами 300 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Хоразм вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлардан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Чунончи, бултур жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар киритилиб, ёшлар, оналик ва болаликни ҳамда ҳомиладор аёлларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилди. Хусусан, 1200 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар ўзларининг меҳнат таътилларини санаторий ва профилакторийларда ўтказишди. Шулардан 352 нафари бепул йўлланма билан таъминланди. Ёзги мавсумда 1300 га яқин болалар оромгоҳларда мириқиб дам олдилар. Жумладан, 643 нафари бепул ёки имтиёзли соғломлаштирилди. Бу борада юқорида номи таъкидланган «Жанубгазқурилиш» жамияти олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқдир. Чунки ушбу жамоада ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг 141 нафар фарзанди корхона ҳисобидан бепул дам олдирилди. Бунга жами 331,8 минг сўм маблағ сарфланди. 17 нафар ўспирин эса Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда соғлиғини тиклади.

Жорий йил учун болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишлари ниҳоясига етди. Масалан, «Урганчтранс»га қарашли «Боғи Эрам» оромгоҳи қайта таъмирланди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Ўтган йили фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 225 нафар аёлга нафақалар тўланишида касаба уюшма ташкилотлари яқиндан ёрдам кўрсатди. Натижада йил давомида 2 миллион 358 минг сўмлик нафақалар ўз вақтида тўланди.

Бозор иқтисоди шароитида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш жуда муҳимдир. Йил мобайнида меҳнат шароити оғир бўлган ишчиларга 50 миллион сўмдан зиёд пул берилганлиги ибратли тадбирлар сирасига киради. Бундан ташқари меҳнатни муҳофаза қилишга 48 миллион 377 минг сўмлик маблағ ажратилган. Ходимларга имтиёзли ва бепул озиқ-овқат маҳсулотларини бериш учун эса 182 миллион 553 минг сўм сарфланди. 2590 нафар кишига меҳнат таътилига қўшимча 67 миллион 655 минг сўм берилди. Айниқса, «Урганчтрансгаз», «Жанубгазқурилиш», Электр тармоқлари корхоналарида бу масалаларга жиддий эътибор берилди.

Ишчи манфаати йўлида

Масалан, вилоят Электр тармоқлари корхонасида «Наврўз» байрами арафасида ҳар бир ишловчига 50 килограммдан ун тарқатилди. Илгари корхонада ишлаб, ҳозирги кунда нафақада бўлганларга пул мукофотлари берилди. Кам даромадли, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилда ҳам бундай хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Бундай хайрли ишлардан касаба уюшма ташкилотлари ҳам четда қолмаяпти. Улар 582,6 минг сўм маблағ билан ушбу савобли ишда қатнашди.

Айни чоғда касаба уюшма қўмитаси корхона ва ташкилот маъмуриятлари билан ҳамкорликда болалар уйи, мактаб-интернатларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Жанубгазқурилиш» корхонаси 20-Меҳрибонлик уйига 40 минг сўмлик совғасаломлар уюштирди. «Урганчтрансгаз» эса 97-махсус интернат ва меҳрибонлик уйига 230 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Ёш авлод онгига миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда корхона, ташкилотларда маънавият ва маърифат хоналари ташкил қилинди. Уларда тез-тез маънавий-маърифий кечалар ўтказиб турилади. Айниқса, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда. Чунки улар кексалардан ўзларига зарур бўлган қимматли маслаҳатларни олишмоқда. Хоналарда газета ва журнал, хилма-хил мавзудаги китобларнинг бўлиши ишловчиларнинг маънавий дам олишларини таъминламоқда.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бир Фармон шарофати

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

мамлакатимизда амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсатининг устувор йўналиши

Меҳр-оқибат, мухтожларга мурувват кўрсатиш, кексаларни ардоқлаш, ногирон, етимесирлар бошини силамоқ халқимизнинг азалий одатидир. Истиқлолдан сўнг бу анъаналар қонунларимизга кўчди. Ижтимоий ҳимояга оид Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Сирдарё вилоятида ҳам қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу сахифада шулар хусусида, колаверса баъзи муаммолар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005-йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори вилоят ижтимоий таъминот ходимларининг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда вилоятимизда 31891 нафар меҳнатга лаёқатсиз фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири давлат муҳофазасига олиниб, ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Саломатлик ва уй-жой шароитларини яхшилашлари учун улар барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Шу йилнинг биринчи чорагида пенсионер ва ногиронларга 87 та ногиронлар аравачаси, 10 та эшитиш мосламаси, 100 та ҳасса, 55 жуфт қўлтиқтаёқ етказиб берилди. 78 нафар ногирон 127 турдаги 1,7 миллион сўмлик протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Ёрдамга муҳтожлар сиҳатсаломатликларини тиклаш мақсадида сиҳатгоҳларга 243 та йўлланма ажратилди. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан вилоятда истиқомат қилаётган пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларга 39,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳукуматимизнинг бу меҳрибонликлари ёлғиз кексалар, кўнгли кемтиклар қалбига бир олам қувонч бағишлади. Улар бу дунёда ёлғиз эмасликларини ҳар лаҳзада ҳис этмоқда. Вилоятимизда 497 нафар киши якка-ёлғиз, ўзгалар кўмагига муҳтожлар рўйхатига киритилган. Йил бошидаёқ уларнинг барчаси диспансер кўригидан ўтказилди, 35 нафар ногиронга 48,9 минг сўмлик дори-дармон етказиб берилди. Кам таъминланган ёлғиз яшовчи пенсионер ва ногиронларнинг 195 нафарига 225200 сўм нақд пул, 130 нафарига эса 153450 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 335 нафарига 417000 сўмлик саноат моллари моддий ёрдам сифатида инъом этилди. Шунингдек, уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш учун 54 нафар ижтимоий хизмат ходимлари жалб этилган. Улар ҳар куни қариялар ҳузурига бориб, уй ишларига кўмаклашиб, фарзандларидек меҳр-саховат кўрсатадилар.

Кексаларга хизмат қилиш катта савоб. Буни яхши англаган Мирзаобод туман ижтимоий таъминот бўлими манзилли хизмат ходимлари ҳар ойнинг маълум кунида уларга давлатимиз томонидан бепул ажратилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бермоқда. Ҳатто кирларини ювиб, уйларини йиғиштиришга кўмаклашиляпти. Қисқаси, бир фарзанд ота-онасига неки хизматни, меҳр-оқибатни лозим кўрса, улар ҳам нуронийларимизга шундай меҳр-оқибат кўрсатишяпти.

Шундай пайтда онахону отахонлар қалблари қувончга тўлиб, дуога қўл очадилар. Меҳрибон Юртбошимизга, саховатли инсонларга раҳматлар айтмоқдалар.

— Мен асло ёлғиз эмасман, - дейди Оқолтин туманида яшовчи Хурсаной Султонова. - Менинг суянч тоғим — меҳр оғушида сақлаб келаётган Ватаним, юртдошларим бор. Яна бизга нима керак. Тилагимиз: юртимизда тинчлик, осойишталик ҳамиша барқарор бўлсин!

А.АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.

Иш ҳақини ўз вақтида бериш, янги иш ўринлари яратиш ижтимоий ҳимоя воситаларидан биридир. Бу борада Гулистон, Янгиер шаҳарларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, олис қишлоқларда кичик корхоналар, цехлар пайдо бўлаётгани қувончлидир. Бунинг шарофати ила кўплаб хотин-қизлар замонавий касбларнинг эгалари бўлишмоқда.

Тожиаҳмад АЙБЕКОВ олган суратлар.

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

Биринчи чоракда пенсионер ва ногиронларнинг 195 нафарига 225200 сўм нақд пул, 130 нафар фуқарога 153450 сўмлик озиқ-овқат, 335 нафар кишига 417000 сўмлик саноат моллари етказиб берилди.

Ҳомийлар томонидан ёлғиз фуқароларга 236070 сўмлик моддий ёрдам уюштирилди.

Кейинги уч ойда 78 нафар ногирон 127 турдаги 1,7 миллион сўмлик протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди.

Йил бошидан 16 ёшгача фарзандлари бор оилаларга халқ банки шоҳобчалари орқали 255 миллион 26 минг сўмлик нафақа тўланди.

Бор бўл, оқибат!

ИШХОНАДАН ЙЎҚЛАБ КЕЛИШДИ

«Инсон омилига эътибор», жумласини тез-тез ишлатамиз. У киши руҳиятини жонлантиради. Янги ютуқлар сари етаклайди. Инсонмиз-да, тан олиб айтиш керак, бир оғиз ширин сўз, озгина эътиборни қўмсаймиз гоҳида. Уйдами, ишдами, барибир, эътиборга эҳтиёж сезамиз.

Вилоят «Сирдарёгаз» бирлашмасида бўлганимда атрофимни бир гуруҳ кишилар қуршаб олди. Улар қалбини безовта қилган не эди?

— Уйимизга идорамиз вакиллари ташриф буюриб бир ёшга тўлган ўғлимга совғасалом, кийим-кечак туҳфа қилишибди, — дейди бир ишчи. — Ишдан қайтсам ўғлим олдимга югуриб чиқди. Сизнинг ишхонангиздан беришди, деди уст-бошига ишора қилиб. Тўғриси, хурсандлигимдан энтикиб кетдим...

Шунингдек жамоадаги аёлларнинг ҳар бири туғилган кунида совға-салом олишаяпти. Ҳомиладорликнинг бешинчи ойида пуллик таътил белгиланган. Янги оила қураётган ёшларга ўртача ойлик маошининг 15 баробари миқдорида моддий кўмак бериш жорий этилган. Бу ҳам шахсни ижтимоий муҳофазалашнинг бир кўриниши.

— Бирлашмамизда хизмат қилаётган ишчиларнинг бу йил биринчи синфга борадиган фарзандларини бепул уст-бош билан таъминлаш масаласини ўйлаб турибмиз, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Жуманазар Исмоилов.

Вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб-чиқариш бошқармаси бир пайтлари тажрибали ишчига ёлчимасди. Айни чоғда бу жамоага ишга жойлашишнинг ўзи мушкул. Нега шундай бўлди? Ойлик маош ва мукофотдан ташқари ишчиларни моддий қўллаб-қувватлаш орқали барқарорликка эришилди. Бу ерда ходимлар саломатлигини сақлашга 217 минг сўм сарфланган. Меҳнатда юқори натижаларга эришган ишловчилар маошига қўшимча равишда 845 минг сўм, узоқ ва самарали хизмат қилганлар 1444 минг сўм қўшимча даромадга эга бўлишди. Фавқулодда муҳим топшириқни бажарган ходимлар эса 544 минг сўм қўшимча маблағ билан тақдирланди. Жамоада яратилган ижтимоий кафолатларни санайвериш мумкин.

— Инсонга муносиб турмуш тарзи яратиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз, - дейди вилоят маҳаллий мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Асфандиёр Абдуллаев. - Вилоятимизда бунга интилаётган жамоалар сони кундан-кунга ошиб бораяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТЛАР ТИЗИМИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ўзини оқламаган, йўналишларидан воз кечилди. Рост-да, собиқ усул барчага бир хилдаги текисчиликни кўзда тутиб, айнан кўпроқ ёрдамга муҳтож фуқароларни назардан қочириб қўйганди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишончли ижтимоий кафолатлар тизимига изчиллик билан ўтилиши, айни пайтда оила, маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти жонлантирилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу самарали усулни фуқароларимиз қандай қабул қилишди? Қуйида ана шу ҳақда гап боради.

Умматқул ДОНИЁРОВ, Усмон Юсупов маҳалла қўмитаси раиси:

— Ислоҳотларимиз меваси-маҳаллага билдирилаётган ишонч ўзини тўла оқлаяпти. Бу нималарда намоён бўляпти, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Энг аввало, маҳаллада одамлар, оилалар бир-бирини яхши билади. Турмуш тарзи, яшаш шароити билан таниш. Ким ёрдамга муҳтож, қайси хонадонда рўзғор камчиликлари бор, хуллас, барчаси худди кўзгудагидек кўриниб туради. Муҳими, бу ерда адолат тамойилларига путур етмайди. Чунки одамлар бир-бирини назорат қилишни ўрганиб олишган. Кимдир одоб доирасидан сал четга чиқса, уни тартибга чақириб қўядиган, изза қиладиган ёки савобли иш қилса, кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатадиган фаоллар бор. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида «Маҳалланг — отанг-онанг», деган ҳикматли сўз бекорга юрмайди.

Яна бир гап — маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар доимий эътиборда. Уларга белгиланган ижтимоий кўмак ҳеч қандай тўсиқсиз ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Моҳира УМАРОВА, вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири:

— Муҳтож оилаларни аниқлаш, рўйхатга олиш ва қайд этишда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари ўрни беқиёс бўляпти. Рости, бу янгича ёндошув хатбозлик, шикоятбозликка барҳам берди. Хулоса қилиб айтганда, янги усул ўзини тўла оқлади.

Галабой ТАНГИРОВ, Сардоба қўрғонида яшовчи нафақахўр:

— Ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган маблағларнинг маҳаллада тақсимланиши айни муддао. Бу ортиқча оворагарчиликларга, идорама-идора югур-югурларга, навбат кутиб сарғайишларга чек қўйди. Сансалорлик иллати илдизига болта урди. Моддий мададга зарурат туғилдими — шароитимизни яхши биладиган оқсоқолга учраймиз, вассалом. Ёшим етмишдан ошиб бундан афзал мададни кўрмаганман. Бирдан-бир тилагим — маҳаллани жипслик, иноқлик, меҳр-оқибатлилик ҳеч қачон тарк этмасин.

Маҳалланинг ибратли ишлари

БИР ФАРЗАНДГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

Гулистон шаҳри ҳудудида «Аҳиллик» маҳалласи бор. Бу ерда 774 оила истиқомат қилади. 264 пенсионер, 130 нафар ногирон мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Ўзгалар мададига муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашда адолат мезони асосида иш юритилаяпти. Биз ўз маҳалламиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Сўнгги йилларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, хонадонларда саранжом-саришталикни таъминлаш юзасидан кўп иш қилинди.

Меҳр-оқибат кучлилигини яна шундан ҳам билса бўладики, саховатпешалар сафи ортиб бормоқда. Бу борадаги қўшниларимиз саъй-ҳаракати, тажрибаларини қунт билан ўрганаяпмиз. Жумладан «Улуғобод» маҳалла қўмитаси раиси Мадамин Адамов бошчилигида ибратли ишларга қўл урилаяпти. Шу ҳудуддаги паррандачилик хўжалиги 50 хонадонга моддий мадад кўрсатди. Бир қатор саховатли фуқароларимиз томонидан 200 минг сўмлик хайрия маблағи тўпланиб, тегишли хонадонларга етказиб берилди.

Маҳалла Ватан ичра кичик ватандир. Биз бир болага етти қўшни ота-она, хикматига амал қилиб, иш юритаяпмиз. Куни-кеча нотўғри йўлга кириб, жазо муддатини ўтаб қайтган икки ёш йигитни ишга жойлаштирдик. Улар ҳаёти, турмуш тарзи, оиласидаги муҳит доимий равишда эътиборимизда. Айниқса фаоллар огоҳу хушёр бўлиб, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш йўлида чинакамига жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Қ.БЕРДИЕВ,
Гулистон шаҳридаги «Аҳиллик» маҳалласи оқсоқоли.

Холис фикр

НОЧОР ОИЛАЛАР

бўлишига баъзи кишиларнинг ўзлари ҳам сабабчи эмасми?

Оилани муқаддас қўрғонга қиёслашади. Зеро, бу ўҳшатишда жон бор. Ана шу гўшада яхши тарбия кўриб, камолга етган фарзандлар Ватан таянчи, эл-юрт мададкорига айланади.

Вилоятда 154882 та оила бор. Улардан нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган 2073 та оила илтимоси қондирилган. Бу оилаларга Халқ банки шоҳобчалари орқали 24 миллион 284 минг сўм миқдоридаги маблағ етказиб берилди.

Қадимдан ота-боболаримиз зурёдларини соғлом, ҳар томонлама баркамол улғайтириш орзусида яшаб, ўз мақсадларига эришганлар. Юртимиз истиқлолга эришгандан кейин эса оилага эътибор янада кучайди. Мамлакатимизда ижтимоий кўмак беришнинг янги тизимида оила асосий мавқега эга бўлди.

— Эр-хотин ногиронмиз. Нафақа оламиз, - дейди Кимё Ҳасанова. - 7 нафар фарзандимиз бор. Гапнинг рости, биргина нафақага кўз тикиб ўтирганимизда, рўзғор тебратиш бирмунча қийин кечган бўлармиди. Шукурки, ҳукуматимиз 16 ёшга етмаган фарзандларимиз учун нафақа пули тўламоқда. Маҳалла қўмитаси томонидан эса кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдам пулини олиб турибмиз. Бундан ташқари, вақти-вақти билан мурувват ёрдамларидан баҳраманд бўляпмиз. Айни пайтда олаётган маблағимиз миқдори 25 минг сўмдан ошаяпти. Бу рўзғор юритишга ҳам, кийим-кечакка ҳам етиб турибди. Биз каби ногиронларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган давлатимиздан беҳад миннатдормиз.

— Ҳудудимизда 283 та ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатиб келаяпти, - дейди вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи муовини Қўчқор Ҳасанов. - Улар таркибида 29 нафар ходимимиз ҳокимлик вакили сифатида фаолият юритади. Улар зиммасига нафақат нафақа пуларни ўз эгаларига етиб боришни таъминлаш, балки ўз ҳудудларидаги ишсизлик муаммоларини бартараф қилишга кўмаклашиш вазифаси ҳам юклатилган. Оиланинг моддий ночорлашувига маълум даражада ота ёки онанинг ишсизлиги ҳам сабаб бўлади. Айни пайтда бундай муаммони бартараф этишнинг аниқ дастурлари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда вилоят бўйича 2322 нафар ишсиз ота-она ҳисобга олинган. Тўрт ой ичида уларнинг 1232 нафари иш билан таъминланди. Ўзига муносиб ўрин топа олмаган 1137 нафар кишига эса ишсизлик мақоми берилиб, 632 нафарига нафақа тайинланди. 248 фуқаро янги касб-корга ўқитилди. 171 нафари жамоат ишлари билан таъминланди. Корхоналардаги бўш иш ўринларини тўлдиришда оилали, серфарзанд фуқаролар алоҳида эътиборга олинаётгани ҳам айни муддаодир.

Оиланинг суянчиғи, таянчи аёллардир. У эъзозу қадр топаяптими? Сир эмас, хотин-қизлар ҳуқуқ ва бурчлари алоҳида кафолатланган. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айниқса қишлоқ аёлларининг бу борадаги билимларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоят аҳлининг 317 минг нафаридан кўпроғини эса аёллар ташкил этади. 291 та хотин-қизлар кенгаши бевосита ва билвосита аёллар муаммолари билан шуғулланиб келмоқда. Бу — шу йўналишдаги ишлар жойида, дегани эмас. Негаки, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 151 мингдан зиёдроғини аёллар ташкил этишини, уларнинг 93 минг нафардан ошиғи ишламаётганини инобатга олсак, ҳали бу борада жиддий ишлар қилиниши лозимлиги аён бўлади.

Бизнинг қўмитамиз қошида ўндан ортиқ уюшма фаолият кўрсатмоқда. Улар аёлларимизнинг ижтимоий фаолиятини оширишда қўмаклашаётир. Ташаббусимиз билан турли хайрия тадбирлари ўтказиляпти. Бу борада ишларни такомиллаштириб боряпмиз.

М.ҲУСАИНОВА,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари.

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

МЕҲР ЧАШМАСИ

Шайхонтоҳур туманидаги 448-болалар боғчаси. Чўғдек кийинган кичкинтойлар баҳорда қуёш нурига талпинган чечаклардай дилга равшанлик улашадилар. Ота-оналарнинг юзкўзларида эса хотиржамлик.

Болакайларни савол-га тутаман.

— Боғчани яхши кўрасанми?

Қучоғини ёзиб:

— Бундай яхши кўраман, — дейди сочлари жамалак қизча.

— Бувимни яхши кўргандақа, — дейди думбоққина қизалоқ.

— Боғча опамла, ҳаммадан яхшила...

Жавоблари ҳам ўзларидай ширин, беғубор. Болаликни подшолик деймиз. Шу подшоликнинг меҳрини қозонган боғча ораста. Соя-салқин ҳовлида ўйин майдончалари, спорт, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш майдонлари дид билан безатилган. Деворларда эртаклар оламидан ҳикоя қилувчи расмлар, фотолар бир-биридан чиройли безатилган.

— Олимларнинг кузатишларича, бола куннинг саксон фоизини ҳаракат билан ўтказар экан, — дейди боғча мудираси Гулчеҳра Нарзуллаева. — Қолган вақт ичида у ухлайди, овқатланади, дам олади. Шунинг учун ҳам

кўриб турганингиз болаларнинг ёшига мўлжаллаб қизиқарли, ҳаракатли ўйинларига мослаб майдончалар ташкил этганмиз. Устоз тарбиячилар Матлуба Баҳромова, Мавлуда Асомовалар ёшларга ибрат.

Гуруҳларни айланамиз. Тил ўрганаётган, рақс тушаётган, теннис, гимнастика, каратэ, сузиш билан завқланиб шуғулланаётган болаларга ҳавасимиз келади. Ҳаракатлари эркин. Руҳшунос хонасини кўздан кечирамиз. Мудира дарров изоҳ беради:

— Руҳшунос тарбиячи Ёқутхон Ҳамидова хизматлари туфайли ҳозир гуруҳларда тортинчоқ, инжиқ, индамас, зўриқиб баланд овозда гапирадиган болалар деярли йўқ.

Шижоатли давр тарбиячилар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклаган. Зеро, боланинг кўнглига йўл топадиган, уларга ўз боласидай меҳрли тарбиячи — истеъдодли ижодкордир.

Ҳа, болаларини улуғлаган юрт асло завол кўрмайди. Тарбиячи опаларнинг гапида жон бор. Болага қанча меҳрли бўлсак, меҳр ҳам улар билан қўшилиб ўсиб-улғаяди. Юраги тўла меҳрли фарзанд келажакда она Ватаннинг, халқининг, ота-онасининг корига ярайдиган фидойилар бўлиб вояга етади. Илоҳим, шундай бўлсин.

Тамара ХУММАМАТОВА.

Абу Али ибн СИНО

ГЎДАК ТАРБИЯСИ ЗИКРИДА

Онасининг қорнидаёқ гўдакни қил эҳтиёт,
Унга бирор офат етмай, туғилсин у барҳаёт.

Ҳомиладор ошқозонин посбон бўлиб сақлагил,
Иштаҳаси бузилмасин, овқатларни бер сархил.

Она қони тоза бўлсин, овқатига бўл сергак,
Токим ўшал тоза қондан озуқа олсин гўдак.

Эҳтиёт қил қўрқинчдану бақириш, ҳаяжондан,
Булар бари болага ҳам етишар, ўтар жондан.

Чақалоқни чўмилтириб, сўнг йўргакка жойлагил,
Баданини юмшатувчи ёғлар билан мойлагил.

Кўп эмизма, ошқозони ортиқ тўлиб кетмасин,
Оч ҳам қўйма, ёш танига бундан зарар етмасин.

Муомаланг юмшоқ бўлсин, доим бўлгил меҳрибон,
Уйқуда ҳам чўчимасин, ором олсин мурғак жон.

Беланчаги юмшоқ бўлсин, қоронғилаб қўй уни,
Уйғоқликда ёруғликдан айирмагил ҳар куни.

Кўзларини рангга ўргат, кундуз кўрсин ҳар хил ранг,
Кечалари осмон, юлдуз, ойга боқсин у башанг.

Овоз билан эркалатиб, сўзга ўргат бирма-бир,
Ул ҳам ширин сўз бўлади, бу ҳам таълимдан ахир.

Гоҳи-гоҳи бол ялатгил, танглайига сурт асал,
Гўдакка куч-қувват берар, уни енголмас касал.

Бу асалга мия ўти сувидан қўш, бўл омон,
Бурни битса, шу таркибдан томизиб тур ҳар замон.

Сезгисин ҳам, товушин ҳам яхшилайди бу даво,
Нафаслари равон бўлиб очилади аввало.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубият маркази, «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармалари, Чилонзор туман ҳокимлиги, Республика болалар ижодиёти маркази ҳамкорлигида Оналар ва болалар йили ҳамда 1 июн-Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Халқ ижодиёти - болаларга» мавзуида катта байрам сайли ўтказилди.

БАЙРАМ САЙЛИ

Республика ўқувчилар саройи доирачилар гуруҳи, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Булбулча» болалар жамоаси, шунингдек, пойтахтимизнинг бир неча туманлари ижодий жамоаларининг чиқишлари болажонларга бир олам қувонч бахш этди. «Қўқон минори» халқ дарбозлари гуруҳи ва Янгийўл тумани маданият уйи қошидаги «Қалдирғоч» болалар цирки иштирокчилари қизиқарли томошалар кўрсатди. Республика болалар халқ ижодиёти маркази иқтидорли санъаткорларининг асарлари кўргазмаси ёшларнинг азалий қадриятларимизга эҳтиромини намойиш этди.

Тадбир доирасида шаҳар реаблитация марказидан таклиф этилган 150 нафар болага байрам дастурхони ёзилди. Барча атракционлар ҳам болалар хизматида бўлди.

Пойтахтимизнинг А.Икромов туманидаги 178-сон болалар боғчасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда 32 нафар 6 ёшли болакай лотин алифбосида ўқишни, ёзишни қанчалар эгаллаб олганликларини намойиш этишди. Шу йилнинг кузидан бу жажжи ўғил-қизчалар мактабга боришади.

БОҒЧАДАН МАКТАБГА

— Бугун ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли кун, — дейди тадбирда сўзга чиққан боғча мудираси Лола Мирзамуҳамедова. — Улар худди ўз фарзандларимиздай бўлиб қолишган эди.

Жажжи болажонларни мактабга кузатиш маросимида ота-оналар ҳам сўзга чиқиб, тарбиячиларга катта миннатдорчилик билдиришди. Жажжи битирувчилар ўзларининг илк хайрлашув кечасида боғча опалари ўргатган шеърлар, қўшиқлардан ижро этиб, рақсга тушишди.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

«ФАЛАК НУРИ» ҚУВОНЧ УЛАШДИ

«Фалак нури» ногирон болаларни реабилитация қилиш, ижтимоий мослаштириш тиббий-педагогик Маркази 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб катта байрам концерти ва болалар ижодиёти кўргазмаси барчада чуқур таассурот қолдирди. Унда болалар қўли билан ясалган турли-туман буюмлар, ўйинчоғу қўғирчоқлар намойиш этилди. Энг қизиғи, ушбу буюмлар шу ернинг ўзидаёқ катта талаб билан харид қилинди.

Санъат усталари ва болалар гуруҳлари иштирокида тайёрланган байрам концерти тадбирга ўзгача файз бағишлади. Таниқли санъаткорлар — Абдуҳошим Исмоилов ва созандалар гуруҳи, Отабек Мадраҳимов, Улуғбек Отажонов, «Хўжа» гуруҳи ижро этган куй ва қўшиқларга болажонлар жўр бўлиб, қувноқ рақсга тушдилар. Дилдан яйраб қувнаган болажонлар ҳам қарздор бўлиб қолмадилар. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги 422-«Ниҳол» боғча-мактаби тарбияланувчилари йиғилганларга она Ватан, болалик, дўстлик ҳақидаги шеър, қўшиқ ва рақсларини тақдим этдилар.

— Тил билан изҳор этилган меҳр атиргулдан таралаётган ифордир, — дейди «Фалак нури» жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Анжелика Ардиянс. — Бугунги тадбир кўнгли ярим болажонлар, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари учун катта совға бўлди. Меҳр улашувчи тадбирдан саховатпеша, мурувватли корхона ва ташкилотлар моддий ва маънавий ёрдамларини аямадилар. Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Саёҳат» меҳмонхонаси хиссадорлик жамияти, «Олий сифат», «Шодлик палас», «Осиёсайёҳтранс» хиссадорлик жамиятлари, «Интер сайёҳ» сайёҳлик компанияси, «Ўзбекистон меҳмонхонаси» қўшма корхонаси, «Фалак нури» Васийлик кенгаши — « Uz PAK» Компанияси кабилар жуда катта меҳр-мурувват кўрсатиб, телевизор, магнитафон, турли ўйинчоқлар, ширинликлардан, ташкил топган қимматбаҳо совғалар ҳадя этдилар.

— Бизнинг асосий мақсадимиз кўнгли ярим, ногирон болалар ҳам соғлом ўғил-қизлар қаторида билим олишлари, улар билан баробар имкониятларга эга бўлишларини таъминлашдир, — дейди Васийлик кенгаши раиси, «Uz PAK» Компанияси Бош директори Алишер Ходжаев.

Дарвоқе, бу эзгу ва хайрли ишда «Фалак нури» Марказига кўмак бериб, ҳамкорликда иш олиб бораётган жонкуяр инсонларга кенгашнинг сертификатлари топширилди.

Муҳаббат ДАВРОН.

ОРОМГОҲ МАВСУМГА ШАЙ

Юртимизда тўкин ёз бошланмоқда. Ҳадемай оромгоҳлар фарзандларимизни ўз бағрига олади. Барча идора ва ташкилотлар каби «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳам бу мавсумга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

- Компаниямизнинг Бўстонлиқ туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган 32О ўринли «Фазогир Гагарин» номидаги соғломлаштириш оромгоҳида бу йил мингга яқин бола дам олади,- дейди компания касаба уюшмаси раиси Заҳро Деҳқонбоева.

- Оромгоҳда нафақат компаниямиз ишчи-хизматчиларининг фарзандлари, балки Тошкентдаги бошқа ташкилот ва муассасалар ходимларининг ҳам ўғил- қизлари ҳордиқ чиқариши мумкин. Айни пайтда у Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган 210 нафар болани ҳам ўз бағрига олади. Дам олиш мавсуми 15 июндан бошланади. Болаларнинг яхши ҳордиқ чиқариши ва тарбияланиши учун оромгоҳда ўймакорлик, рассомлик, тикиш-бичиш ва тўқиш тўгараклари ишлаб туради.

(ЎзА).

БОЛАЛИГИМ — ПОШШОЛИГИМ

(Боши 1-бетда)

Наманганликлар шаҳардаги истироҳат боғида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун маданий дам олиш тадбирини уюштирдилар. Вилоят ҳокимлиги «Болалар» жамғармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда 26-Меҳрибонлик уйида катта байрам концерти ташкил этди. Байрамга совға сифатида Давлатобод туманидаги 29-мактабда кундузги болалар оромгоҳлари иш бошлаб, 3000 нафардан ортиқ ўқувчини ўз бағрига олди.

Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ва «Соғлом авлод» жамғармаси ҳамкорлигида «Фарҳод» маданият саройида «Болалар санъати фестивали - 2001» ўтказилди.

Жиззах вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳам «Болалар» жамғармасининг вилоят бўлими билан биргаликда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун кийим-кечаклар, ажойиб совғалар тақдим этди. Болалар бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари, қўғирчоқ театри жамоасининг чиқишлари тантаналарга файз бағишлади. Байрам муносабати билан шаҳар истироҳат боғидаги арғимчоқлар, спорт саройининг сув ҳавзаси болажонлар учун бепул хизмат қилди.

Тошкент вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси келажагимиз бунёдкорларининг байрамига алоҳида тайёргарлик кўрди. Ангрен шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда маданият ва истироҳат боғида «Бола кулса олам кулади» номли тадбир ташкил этилиб, барча аттракционлар болалар учун бепул хизмат қилди. Байрамга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, мактаб-интернатларининг тарбияланувчилари таклиф этилдилар.

Қуйи Чирчиқ туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан эса оналар ва болалар спорт мусобақаси ўтказилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, боғ ва хиёбонларида байрам тадбирлари давом этмоқда.

М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида Чилонзор тумани ҳокимлиги мамлакатимиз мус-

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИГА СОВҒАЛАР

тақиллигининг 10 йиллиги ҳамда 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, «Истиқлол тенгдошиман» мавзуида 10 ёшга тўлган болалар иштирокида байрам сайли ўтказди.

Тадбир дастуридан ўрин олган бир-биридан қизиқарли томошалар, қўшиқ ва рақслар сайлга алоҳида шавқ-завқ бахш этди. Етти юздан ортиқ болага ёзилган дастурхон атрофида 40 нафар истиқлолимиз тенгдошига эсдалик совғалари топширилди.

Газетхон илтимосига кўра

МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИ

Энергетика маҳсулоти бозори таҳлили шуни кўрсатадики, электр энергияси бозорда ноэластик талабга эга маҳсулотлар турига киради. Жамият ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борар экан, бу маҳсулотга бўлган талаб ҳам унга мутаносиб равишда ўсиб боради. Бунда нарх даражаларининг ўзгариши талаб ҳажмига деярли таъсир этмайди.

Бугунги кунда республика энергетика тизими корхоналари юқори монопол мавқега эгадир. Юқори монопол мавқе ва ноэластик талаб шароитида энергетика корхоналари нархларни ошириш ҳисобига қисқа муддатли ва узоқ муддатли фойда миқдорини максималлаштиришга интилади. Бу энергия учун тўловлар ҳақидаги шартнома талабларининг бажарилмаслигига ва амалда дебитор-кредитор қарздорлик ошиб кетишига олиб келади. Шу боис, ушбу маҳсулот сотиш тизимини тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, нарх-тариф сиёсати йўналишини тўғри танлаш энергетика корхоналари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Тарифлар ўз моҳияти жиҳатидан асосан учта вазифани бажаради. Бу-лар - энергетика корхоналари манфаатларини акс эттирувчи молиявий; истеъмолчилар ва умумиқтисодий манфаатларни ўзида намоён этувчи иқтисодий; давлатнинг ички ижтимоий-иқтисодий сиёсати талабларига жавоб берувчи ижтимоий-сиёсий вазифалардир. Истеъмолчиларга узатилаётган электр энергиясига тарифларни белгилашда уларнинг молиявий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий функцияларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Тарифларни шакллантириш жараёнини уч асосий босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқичда энерготизим ҳолати, унинг ривожланиш имкониятлари баҳоланади. Бунда энергия истеъмоли бозори сегментланиши ва унинг сифат кўрсаткичлари таҳлил этилади; талабнинг умумий миқдори, унинг ишлаб чиқариш харажатлари, сотишдан тушум ҳисобланади; истеъмол миқдорига қараб энергетика объектларининг ривожланиши лойиҳаси тузилади. Бу инвестициялар учун молиявий маблағлар ҳажмини аниқлаш имконини беради.

Иккинчи босқичда тарифларнинг иқтисодий ва молиявий функцияларини инобатга олган ҳолда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилади. Бунда иқтисодий функцияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, энергиянинг йиллик етказиб бериш баҳоси ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш, тақсимлаш, етказиб бериш баҳолари алоҳида кўрсатилади; энергия ишлаб чиқариш баҳолари даврлар (мавсум, кун) бўйича умумлаштирилади. Тарифларнинг назарий даражалари ишлаб чиқилади. Назарий ишлаб чиқилган тариф даражаларини кўзлаш натижасида ҳар бир киловатт-соат энергияни сотиш нархи аниқланади.

Молиявий функцияси нуқтаи назаридан - дастлабки босқичда илгари сурилган мулоҳазалар асосида энергетика корхоналарининг молиявий натижалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилади. Молиявий мақсад ва вазифалар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир киловатт-соатнинг ўртача нархи ҳисобланади.

Сўнгги босқичда тарифларни белгилашда унинг даражалари энергетика корхоналарининг молиявий эҳтиёжлари билан таққосланади.

Тариф даражаларининг дастлабки структураси белгиланган, ижтимоий-сиёсий талаблар билан мувофиқлаштирилади. Бунда давлат томонидан истеъмолчиларнинг алоҳида гуруҳларига берилаётган имтиёзларнинг иқтисодий натижалари аниқланади. Аниқланган кўрсаткичлар асосида тариф даражаларига зарур ўзгартиришлар киритилади.

Янги ишлаб чиқилган тарифлар босқичма-босқич, истеъмолчиларнинг манфаатлари ва кўникмаларини инобатга олган ҳолда жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Янги тарифларнинг жорий этилиши натижасида истеъмолчиларнинг иқтисодий ҳолатини аввалдан башорат қилиш ва энергетика корхоналари даромадлари белгиланган даражасини таъминлаш мураккаб муаммодир. Шу боис, янги тарифларни жорий этиш техник ва тижорат ҳаракатлари билан уйғунликда амалга оширилиши лозим.

Аввало, истеъмолчилар, айниқса, маиший истеъмолчилар энергия ўлчов асбоблари билан таъминланган бўлиши керак. Улар янги тариф ва тариф даражалари, унинг мақсад ва вазифаларидан оммавий ахборот воситалари орқали махсус ахборотномалар воситасида хабардор қилинишлари шарт.

Ҳар бир истеъмолчи мавжуд тарифлар ичидан ўзига мосини, манфаатларини тўла қондира оладиганини танлаш имкониятига эга бўлади. Бу энергетика корхоналари ва истеъмолчилар ўртасидаги шартнома талаблари ва манфаатлар муштараклигини таъминлайди. Шартнома талаблари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини кафолатлайди. Энергетикада ва умуман иқтисодиётимизда маркетинг тизими бошқарув услублари қаторидан жой олса, ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор йўналиши бўлган ижтимоий, иқтисодий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган ҳаракатларимиз янада самарали бўлади.

Ш.ПЎЛАТОВ, Ш.ЖАМОЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари.

(Давоми. Боши ўтган сонида).

Маънавиятимиз сарчашмалари

ҚАЛБЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН НАВОЛАР

Инсон илк бор қачон соз яратган, қачон биринчи қўшиғини ижро этган — ҳеч ким аниқ айтолмайди. Аммо қўшиқ айтган қалбнинг муродига етиши аниқ. Шундан бўлса керак, у азал-азалдан инсон ҳамроҳи: қалби қувончдан ҳапқирган чоғларда ҳам, меҳнатдан роҳатланиб, ижоддан лаззатланган дақиқаларда ҳам одамнинг қўшиқ айтгиси, ўзидаги туйғуларни ўзгаларга юқтиргиси келади.

Бир неча йилдирки, республикамиз санъати ва маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган атоқли санъаткорлар номидаги кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Бу танловларнинг энг муҳим жиҳати — унда иштирок этган янги овоз соҳибларининг кашф этилишидир.

Яқинда Марғилон шаҳрининг муҳташам маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов номидаги III республика хонандалар танлови бўлиб ўтди. Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси ва Фарғона вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилди.

Республикамиз вилоятларида ўтказилган танловларда ғолибликни қўлга киритган 56 нафар ёш ижрочи хонанда уч босқичда мумтоз ва анъанавий қўшиқчилик йўллари, нафасни ишлатиш маҳорати, ашула матнидаги сўзларни тўғри ифода этиш, айниқса, Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов яратган ижрочилик услубларини ўз талқинида кўрсата билиш, саҳна маданияти талабларини ижро этиш борасидаги истеъдодларини намойиш этишди.

Уч кун давом этган танлов ўз ниҳоясига етди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати танлов ғолиблари эълон қилди. Биринчи ўринга икки нафар хонанда: фарғоналик Мўсинжон Мўминов ва тошкентлик Дилнура Мирзақуловалар лойиқ топилди. Уларнинг ҳар бирига биринчи даражали диплом ва 50 минг сўмдан пул мукофоти топширилди. Тошкентлик Бобур Кенжаев, андижонлик Абдурашид Элчиев, бухоролик Гулзода Худойназарова, фарғоналик Карим Исоқов ва Дилафруз Ҳасанова ҳамда наманганлик Даврон Муллажоновлар учта иккинчи ва учта учинчи ўринларга эгалик қилишди.

Шунингдек, 9 нафар иштирокчи рағбатлантирувчи мукофот соҳиби бўлди.

Ўзига хос санъат байрами тарзида ўтган мазкур танлов иштирокчи ва мухлислар хотирасида унутилмас воқеа сифатида узоқ вақт сақланиб қолади.

Темир ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: III республика хонандалар танловидан лавҳалар.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Муштарий баҳсга чорлайди

МУСИҚА САНЪАТИ

У бугун қандай? Тезкор аср авлодлари тафаккурида у қандай шаклланмоқда?

Замонавий ўзбек мусиқа санъати қайси йўлдан одимламоқда? Миллийлик, миллий мафкура каби фундаментал тамойиллар мусиқа маданиятимизда қай йўсинда, қандай бадиий савияда акс этяпти? Бугунги «шарқона» мусиқий тафаккуримизнинг ўтмишдагисидан фарқланадиган афзал жиҳатлари борми? Борлари ҳам йўқотишларимиз ҳисобига топганларимиз эмасми? Мусиқий, ва умуман, бадиий-эстетик дидимиз, маданиятимиз даражаси ғурурланишга арзийдими?

Аввало, шаҳдам янгиланаётган ва жаҳон ҳамжамиятига муносиб обрў билан кириб келаётган жамиятимизнинг оддий аъзоси, қолаверса, мусиқашунос сифатида ушбу муаммоларга доир айрим мушоҳадаларимни ҳавола этишга ўзимни бурчли сездим.

Санъат — ижтимоий онгнинг бир тури, кенгроқ мушоҳада этсак, асл санъат идеал мафкура демақдир. Ҳатто юксак тараққий этган фан ва техника воситалари ҳам ечимини топа олмаётган муаммоларни санъат воситасида ижобий ҳал этиш мумкинлиги муболаға эмас. Айниқса, мусиқа инсонга таъсир қуввати беқиёс санъат сифатида алоҳида мавқега эга. Мусиқанинг юксак бадиий-эстетик қиймати, кучли руҳий-маънавий таъсири, тарбиявий аҳамияти хусусида ўрта асрларга мансуб илмий ва бадиий адабиётларда талайгина эътиборга лойиқ фикрлар мавжуд. Аждодларимиз мусиқани илоҳий гўзаллик, латиф санъат сифатида асрлар оша эъзозлаб келганлар. Қолаверса, биз ҳам кундалик ҳаётимизни мусиқасиз тасаввур эта олмаймиз. Аммо, шуниси аниқки, фан ва техника мислсиз тараққий этган тезкор аср авлодлари тасаввуридаги мусиқа тушунчаси ўтмишдошлар талқинидан мазмун ва шакл жиҳатларидан анчагина фарқланади.

Маълумки, санъатнинг, хусусан, мусиқа санъатининг бирламчи вазифаси жамиятни маънан ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш, камол топтиришдир. Таассуфки, сўнгги вақтларга келиб, мусиқа санъати асл маънавий-тарбиявий мазмун-моҳиятига анчайин путур етди.

Бизнинг профессионал санъатимиз тақдирини, ғарбдагидек, оммани молиявий имкониятлари ҳал этмайди. Шунинг учунми, бизда санъатнинг тараққиёти, асосан, тингловчи-томошабиннинг зиёлилик даражасига боғлиқ бўлиб қолган. Сир эмаски, санъаткорлар — улар мусиқачи бўладими ёки актёр — кўпинча саводхон, тафаккури кенг ва дидли мухлисларнинг тор доирасига умид боғлайдилар. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу шундан далолат берадики, мухлисёшларда ижодий талқинлаш, таҳлил этиш кўникмаси, саралай билиш малакаси етарлича эмас. Оддий бир мисол. Овозли ёзувлари катта ҳажмда истеъмолга чиқарилган, кенг тарғиб-ташвиқ этилаётган ёш ижрочи гуруҳлар, хонандалар — улар хоҳ профессионал бўлсин, хоҳ ҳаваскор — ёшлар наздида «санъаткор»дир. Афсуски, тингловчи-ёшлар тушунчасида санъат бугун асосан касб-бизнес маънисидагина қадр топмоқда. Бугунги «санъат ишқибозлари» дилетантларни санъатни касб қилиб тирикчилигини ўтказаётган кимсалар деб эмас, бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг моддий таъминоти учун ҳаракат қилаётган тадбиркорлар сифатида силлиққина талқин этмоқдалар. Аслида бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Ҳар қандай инсон муайян воқеа-ҳодисани ўз тафаккури доирасидагина таҳлил эта олганидек, тингловчи-ёшлар ҳам ижрочи ва мусиқий ижрога нисбий баҳо беради. Аҳвол шундай бўлгач, санъатфурушлик ҳам «тирикчиликнинг айби йўқ» қабилида айбситишлардан ҳоли қолаверадида.

Масаланинг ташвишли томони шундаки, улғайиб келаётган янги авлоднинг мусиқий диди асосан шу савия доирасида шаклланиб бормоқда.

Бугун оммавий мусиқа замонавий ўзбек маданиятининг энг эътиборталаб соҳаларидан бўлиб қолди. Эътироф этиш керакки, мазкур соҳанинг ўзига яраша ютуқлари бор, муаммолари-да анчагина. Кези келганда қайд этиш лозимки, жаҳон эстрадасининг илғор йўналишлари, ижро услублари ўзлаштирилиб, ижрочилик амалиётига тадбиқ этилаётгани таҳсинга сазовор. Аммо бу, кўп ҳолларда, гоҳо Ғарб, гоҳо хорижий Шарқ санъатига кўр-кўрона тақлид шаклида амалга оширилмоқда.

Ирода ДАДАЖОНОВА,
мусиқашунос.

(Давоми бор).

Кейинги йилларда Тошкент автомобил йўллари институтининг ўқув-моддий негизи янги техника ва транспорт воситалари ҳисобига мустаҳкамланиб бормоқда. Ўқув-амалий машғулотларни олиб боришда кўргазмали куроллар сифатида қўлланилаётган ана шу мослама ва қурилмалар орасида олий ўқув юртига ҳомий ташкилотлари томонидан берилган совғалар ҳам анчагина.

ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Навоий кон-металлургия комбинати ҳам хайрли ишга қўл уриб, бўлажак автомобилчи муҳандисларга «Тико» автомашинасидан иккитасини ҳадя этди. Шунингдек, транспорт хизматини йўлга қўйиш мақсадида эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 600 минг сўм маблағ ажратди.

Эндиликда олий ўқув юрти ихтиёрида «Отойўл» автобуси ҳамда «Нексия» енгил автомобили ҳам бор. Уларни «Тошшаҳарйўловчитранс» корхоналари давлат акционерлик уюшмаси тортиқ қилди.

Бундан ташқари «Ўзавтотранс», «Ўзавтойўл» концернлари ҳам ҳомий ташкилотлар қаторида институтга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ўз номи билан автомобил йўллари деб номланган олий ўқув юрти ўқув негизини янги транспорт воситалари билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

А.АЛИЕВ.

Футбол: мамлакат чемпионати

МАВСУМДАГИ ЭНГ СЕРМАҲСУЛ ТУР

Саккиз учрашувда дарвозаларга ўттиз саккизта тўп киритилди! Беш ўйин йирик ҳисоб билан якун топди. Бу яхшими ёки ёмон?

Албатта, ишқибозлар чиройли комбинациялар, фусункор дриблингу дарвоза томон уюштирилган ранг-баранг ҳужумлардан завқланиш учун стадионга ташриф этадилар. Шу боиски, дарвозага киритилган ҳар бир тўп уларда олам-олам завқ уйғотади. Аммо бир томоннинг ўйинни беш, олти ва ҳатто етти марталаб майдон марказидан бошлашга мажбур бўлиши... Ҳар нечук бу ҳолат ҳақиқий томошабинларда аллақандай норозилик ва ҳатто қандайдир ички бир ҳадикка сабаб бўлиши мумкин. Афсуски, мамлакат чемпионатининг ўн тўртинчи тур ўйинлари ана шундай тарзда кечди. Тўғриси, чемпионат пешқадами «Нефтчи» ва «Навбаҳор» ўйинидан қандайдир шунга ўхшаш манзара чизгилари хаёлдан ўтган эса-да (4:1), қолган учрашувларда йирик ҳисоб қайд этилишига унчалик ишонч йўқ эди. Айниқса, ўзига хос ўйин услубига эга бўлган «Бухоро» жамоасининг ўз майдонида бу қадар шармандали мағлубиятини қашқадарёлик мухлислар ҳам кутмаганликлари шубҳасиз. Амалда эса шундай ҳол юз берди. «Насаф» футболчилари майдон эгалари дарвозасига жавобсиз олтита тўп киритиб, ҳамон ҳужумкор ўйин намойиш этишга қодир эканликларини исботлай билдилар.

Турдан турга ўзини ўнглаб олаётган «Андижон» яна шов-шувли ғалабага эришди. Ангреннинг «Семурғ» жамоасини қабул қилган водийликлар ўз дарвозаларидан битта тўп ўтказиш эвазига еттита тўп билан жавоб қайтариб, меҳмонларни ҳар томонлама таслим этдилар. Шунингдек, «Самарқанд-Д» ва «Металлург» (5:0) ҳамда «Трактор» ва «Кимёгар» (4:1) жамоалари ўртасидаги учрашувларда ҳам бир томоннинг тўла устунлиги сезилиб турди.

Қолган уч ўйинда, хайриятки, футболга хос ҳисоблар қайд этилди. «Сўғдиёна»-«Пахтакор» — 1:3, «Қизилқум»-«Сурхон» — 2:1, «Академия»-«Дўстлик» — 1:1.

Биз «хайриятки» сўзини беҳуда ишлатганимиз йўқ. Чунки гол ҳолати ҳар қанча ҳаяжонга сабаб бўлмасин, у дарвозабон ва ҳимоячиларнинг бўш ҳаракатини ҳам тасдиқлайди. Жаҳон чемпионати иккинчи саралаш босқичи арафасида турган терма жамоамиз аъзолари тўп сураётган клублар учун, айниқса, юқоридаги «сермаҳсуллик» хавотирлидир. Тўплар ёмғири ҳар қанча завқли туюлмасин, унинг меъёрида бўлгани мақбул.

З.РИХСИЕВ.

14 — турдан кейинги вазият

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Нефтчи»	13	11	2	0	41-10	35
2.«Насаф»	14	10	2	2	30-11	32
3.«Пахтакор»	11	9	0	2	28-11	27
4.«Дўстлик»	13	7	3	3	27-16	24
5.«Трактор»	14	7	2	5	26-20	23
6.«Академия»	14	6	4	4	28-18	22
7.«Самарқанд-Д»	13	7	1	5	26-21	22
8.«Навбаҳор»	13	7	0	6	20-21	21
9.«Қизилқум»	13	6	2	5	13-13	20
10.«Бухоро»	13	6	1	6	20-24	19
11.«Андижон»	13	5	1	7	27-26	16
12.«Зарафшон»	12	4	3	5	18-16	15
13.«Сўғдиёна»	13	4	1	8	16-21	13
14.«Кимёгар»	13	3	2	8	11-23	11
15.«Металлург»	13	1	6	6	8-24	9
16.«Турон»	12	3	0	9	7-27	9
17.«Сурхон»	14	3	0	11	14-35	9
18.«Семурғ»	13	2	2	9	15-38	8

Хоразм вилоятидаги Хонқа туманининг хушманзара жойларидан бирида кўп тармоқли «Она ва бола» санаторийсининг қурилиши якунланмоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида бу ерда 125 нафар хотин-қиз ва уларнинг фарзандлари даволаниш ҳамда хордиқ чиқаришни бошлайди.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Улар анъанавий дори-дармонлар ва физиотерапия усуллари, шунингдек фитотерапия, шифобахш балчиқ ва сув билан даволаш усуллари ёрдамида хасталиклардан фориғ бўлади. Бу ерда мавжуд маъданли сув манбаларидан фойдаланиш учун замонавий тиббиёт ускуналари сотиб олинди.

Янги шифо маскани Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг буюртмаси асосида «Хонқажамхоқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти томонидан барпо этилмоқда.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ ТАРИХИЙ МАКТУБЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Германия, АҚШ, Франция, Япония, Эрон каби мамлакатларнинг йирик шарқшунослик марказлари билан илмий алоқаларни тобора кенгайтирмоқда. Шундай ҳамкорлик самараси ўлароқ, яқинда Шарқнинг буюк алломаларидан бири Абдураҳмон Жомийнинг институт хазинасида сақланаётган 450 дан ортиқ мактуби Техрондаги «Мероси мактуби» нашриётида чоп этилди.

- Форс тилида нашрдан чиққан мазкур хатларнинг аксарияти Жомийнинг замондоши, буюк мутафаккир Алишер Навоийга йўлланган, - дейди тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев. - Шунингдек, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқа сарой амалдорлари, ҳиндистонлик зиёлилар, Озорбайжон ҳукмдорларига аталган мактублар ҳам ундан ўрин олган.

Мактубларда асосан деҳқонлар, ҳунармандлар, мадраса талабалари ва мударрисларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, айрим солиқларни камайтириш, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга даъватлар изҳор этилган.

(ЎзА).

Фельетон ўрнида

ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРГАН «ИШБИЛАРМОН»

Шайтон ўғлининг ҳийла-найрангни қанчалик ўзлаштириб олганини билмоқчи бўлиб, уни одамлар орасига юборипти. Шайтонвачча оғзи қулоғида бўлиб қайтибди:

— Бир ароқхўрни гиж-гижлаб, хотинини роса дўппослатдим!

— Аҳмоқ! — ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборипти шайтон, — ароқхўр сенинг аралашувингсиз ҳам хотинини дўппослайверади! Сен ҳушёр одамни йўлдан оздиришни ўрган!...

Анвар Кўчқоров Андижон шаҳрида хусусий фирма ташкил этиб, туппа-тузук ишлаётувди, даромади ҳам чакки эмасди. Кунларнинг бирида шайтонвачча ўрта ёшлардаги басавлат киши қиёфасида келди-да, Анварни четга тортди:

— «Бепилиска» пулга иштаҳа қалай?

Текин пулга азалдан суяксиз бўлган Анвар бундан олдин ҳам бир найрангбозликда фаол иштирок этиб, нақд 25 минг сўм пулга эга бўлган ва текин томоқка мазахўрак бўлиб қолган эди. Аниқроғи, Жалолқудуқ туманидаги «Бунёд-М» ҳиссадорлик жамиятида ишловчи Рустам Ҳожиматовга ўз корхонаси — «Садри жаҳон» савдо фирмасининг муҳри билан директорнинг имзоси қўйилган бўш фирма қоғозини бериб, мўмайгина пулга шерик бўлганди.

— Ҳазиллашаётганингиз йўқми, ака? — ялтоқланиб сўради Анвар «бепилиска» пул ваъда қилаётган кишидан.

— Пулниям ўғил боласи, ука. Доллар! Пулни пулга чақасиз: фойда тўкилади. Беш фоизи сизники!

— Долларни долларга чақиш...

— Шу ақл билан тадбиркорман деб юрибсизми? Суф сизга-е! Мен сизга қалбаки доллар бераман. Сиз уни бирор тайинли мижозга пуллайсиз. Яъни унга қалбаки минг долларни бериб, ундан беш юз ҳақиқий долларни оласиз. Кейин у, сўмни долларга айлантириб олмоқчи бўлганларга алмаштирворади.

— Хўп ана, алмаштирворди ҳам дейлик. Уёғи нима бўлади?

— Э, ука, аввало пул рангли принтер дастгоҳида ясалган, анча-мунчаси ажратолмайди. Қолаверса, бировнинг уйи куйган билан сизнинг неча пуллик ишингиз бор! Оладиган фойда пулингизни ўйласангиз-чи!

— Хўп, ака, розиман.

— Сиз бугундан бошлаб мижоз қидиришга киришинг. Кейин менга хабар қиларсиз. Ёзёвонда истиқомат қиламан. Шуҳрат десангиз, уйимни итиям, битиям кўрсатиб беради.

Анвар Кўчқоров мўмай даромад ҳидидан симобдай эриб, бу ҳақда яқин ошнаси Жўрабой Солиевга айтди. Жўрабой ҳам бунақа ишларга суяксиз эди. Офтобни сояга етказмай, мижозларни (икки таниш аёлни) топиб келди. Шуҳрат ҳам осонгина топилақолди. Кўп ўтмай Шуҳратдаги 14 минг қалбаки доллар Анвар қўлига ўтди. Улар валюта операциясини охирига етказиш учун Андижон шаҳар Истиқлол кўча 9-уйга — «Садри жаҳон» савдо фирмасига келдилар. Хонада сохта ва ҳақиқий долларлар чўнтакдан чўнтакка ўтди.

Лекин ҳаромдан келган текин даромад томоқдан нари ўтмади: шу ернинг ўзида жиноят фош этилди.

... Шундан кейин шайтонвачча отаси олдида керилипти:

— Андижон шаҳар Найман кўча 76-уйда яшовчи, 4 боланинг отаси, туппа-тузук кичик корхонанинг директори Анвар Кўчқоров деган кишини шериклари Жўравой Солиев ва Рустам Ҳожиматовларга қўшиб қулоғигача жиноят ботқоғига ботирдим, суд қора курсисига ўтқазиб, ундан панжарали хонага қаматтирдим, дадажон. Қарасам, мўмай пулга муккасидан кетган, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиган, ҳар қандай жиноятнинг кетидан жазо қувлаб юришини ўйлаб ҳам кўрмайдиган кимсаларга ўхшашди. Болаларини ўша ҳаром пул эвазига боқаётган бўлишса, улар келажакда қандай одам бўлиб етишишади, ҳайронман. Хуллас, қалбаки долларфурушлар қўлига адабчўпини тутқазиб келяпман. Қалай, буёғи сиз айтгандай бўптими, дадажон?

Шайтонваччанинг бу гапида жон бор: Анвар Кўчқоров суд залида ўтириб, қаттиқ лаб тишлар, ўз бошига ўзи муштларди:

— Мени шайтон йўлдан урдиёв!

М.АБДУКАРИМОВ.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6